

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:

№ БД – 5220100 – 3.10

2016 йил “08” 08



Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

2016 йил “25” 08

ФОТОЖУРНАЛИСТИКА  
ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	200 000 – Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқук
Таълим соҳаси:	220 000 – Журналистика ва ахборот
Таълим йўналиши:	5220100 – Журналистика (ҳалқаро журналистика)

Тошкент – 2016

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил “25” августдаги “355”-сонли буйруғининг 2-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2016 йил “8” августдаги 3-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон давлаи жаҳон тиллари университетиди ишлаб чиқилди.

**Тузувчилар:**

**Қосимова Н.С** - ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети аудиовизуал журналистика ва оммавий коммуникация кафедраси мудири, ф.ф.н., доцент

**Файзуллаева Х.Ф** - ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети аудиовизуал журналистика ва оммавий коммуникация кафедраси катта ўқитувчиси

**Такризчилар:**

**Бобожонова Г.Н.** – Журналистларни қайта тайёрлаш маркази директори, ф.ф.н.

**Тошпўлатова Н.Қ.** – ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети доценти, филология фанлари номзоди.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2016 йил “8” июлдаги 11 - сонли баённома).

## **Фаннинг долзарблиги**

Бугунги куннинг етук ахборот технологиялари журналистика соҳасининг иш услубларини ўзгартиришга ўз таъсирини кўрсатмоқда. Ушбу курсда халқаро журналистика соҳасидаги бакалавриатура талабаларига фотожурналистиканинг тарихи, ривожланиш босқичлари, фотожурналист ўз фаолиятида фойдаланаётган рақамли техника турлари ва русумлари, суратга олиш технологияси, фотожурналистика жанрлари, босма ва интернет ОАВда фотоиллюстрациялар салмоғи, уларни тайёрлаш ва чоп этиш жараёни, сураткашлик техникаси маҳорат сирлари, фотожурналист касб этикаси ва ушбу назарияни журналистик амалиётда қандай қўллаш мумкинлигини каби мавзулар узвийлик ва узлуксизлик нуктаи-назаридан мантиқий кетма-кетликда ўз аксини топган. “Фотожурналистика” фанини чуқур ўрганиш тележурналистика, интернет журналистика каби фанларни талабалар томонидан чуқур ўзлаштиришда муҳим роль ўйнайди.

### **Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги**

“Фотожурналистика” фани асосий мутахассислик фанларидан бири бўлиб, бакалавриатура таълим йўналишида ўқитилади. Дастурни амалга ошириш ўқув режасидаги бир қатор фанлар билан боғлиқ. Чунончи, мазкур фанни етарли даражада ўзлаштириши учун бакалавриат йўналишида ўқитиладиган гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий (“Жаҳон ва Ўзбекистон тарихи”, “Маданиятшунослик”, “Фалсафа”, “Социология”, “Психология”), умумқасбий (“Журналистика асослари”, “Медиарелейшнз”, “Журналистика социологияси” ва ҳок.), ихтисослик фанлари (“Хорижий ОАВ”, “Интернет журналистикаси”, “Рақамли журналистика”, “Спорт журналистикаси” ва ҳок.) сингари бир қатор фанлардан етарли билим ва кўникмага эга бўлиши талаб этилади.

### **Фаннинг илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги ўрни**

“Фотожурналистика” фани бўлажак журналист маҳоратини, касбий малакасини оширишда зарур бўлган асосий фанлардан биридир. Чунки бугун журналист универсал бўлиб, ОАВ соҳасида қўлланиладиган замонавий техникани билиши, журналистик материал тайёрлашда мавзуга мос суратни ҳам илова қилиши лозим. Бу фанни ўзлаштирмай туриб, касбни мукамал эгаллаб бўлмайди. Бугунги кунда замонавий фотожурналистика миллий журналистикани ривожда асосий ўрин эгаллаб, содир бўлаётган воқеа- ҳодисаларни ҳолисона ёритишда муҳим аҳамият касб этади.

### **Фанни ўқитишдаги замонавий ахборот ва педагогик технологиялар ҳамда ўқув машғулотларини лойиҳалаш**

Талабаларнинг ўқув дастури доирасида мазкур фанни ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг илғор ва замонавий усулларида фойдаланиш, янги информацион-педагогик технологияларни тадбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, электрон материаллар, виртуал стендлардан фойдаланилади. Маъруза ва амалий дарсларда мос равишдаги илғор педагогик технологиялардан фойдаланилади. Техник ва кўргазмали воситалар машғулотнинг мазмуни ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда ўқитувчи томонидан белгиланади. Маъруза ва амалий машғулотларда турли метод ва воситалардан, хусусан, ақлий ҳужум, кластер, амалий иш ва дидактик ўйинлар, портфолио, кейс-стади, шунингдек, компьютер дастурларидан (Adobe Photoshop, Microsoft PowerPoint) ва интернет тизимларидан фойдаланиш мумкин.

Фан ўқитувчиси томонидан педагогик ва модулли технология тамойиллари асосида “Фотожурналистика” фани ўқув машғулотларининг лойиҳалари ишлаб чиқилади.

### Фан модулининг дастури (module syllabus)

<b>Ўқув курсининг тўлиқ номи:</b>	Фотожурналистика		
<b>Курснинг қисқача номи:</b>	Фотожурналистика	Код: ФЖ	
<b>Кафедра:</b>	Аудиовизуал журналистика ва оммавий коммуникация		
<b>Ўқитувчи ҳақида маълумот:</b>	Файзуллаева Хилола Файзуллаевна	E- mail.fayzullayeva_hilola@mail.ru	
<b>Семестр ва ўқув курсининг давомийлиги</b>	2-семестр, 19 ҳафта		
<b>Ўқув соатлари ҳажми:</b>	<b>жами:</b>	64	
	шунингдек:		
	Маъруза	18	
	Семинар		
	Амалий	20	
	мустақил таълим	26	
<b>Ўқув курсининг статуси</b>	Умумқасбий фанлар блоки		
<b>Дастлабки тайёргарлик:</b>	Курс “Интернет журналистика”, “Аудиовизуал журналистика”, “Журналистика ҳуқуқи ва этикаси”, “Рақамли журналистика” фанларидан ўзлаштирилган билимларга асосланади.		
<b>Фаннинг предмети ва мазмуни:</b> – талабаларга фотожурналистика билимларнинг назарий асосларини, фоторепортажнинг ўзига хос хусусиятлари, ихтисослашган журналистика турларида фотосуратдан фойдаланишни ўргатиш ҳамда уларни амалда татбиқ этиш кўникмасини ҳосил қилишнинг назарий ва амалий томонларини ўрганишга йўналтирилган.			
<b>Фанни ўқитишдан мақсад</b> – журналистика факультети талабаларини фотография тарихи, унинг ихтирочилари ҳақида тасаввурларга эга бўлиш, фотографик сурат тайёрлаш жараёнларини ўрганиш ва мазкур йўналишда бўлажак журналист кадрларда фотосуратчилик малакавий кўникмаларини ҳосил қилишга қаратилган. Фанни ўрганиш жараёнида талабалар ихтирочи олимлар Луи Жак Манде Дагер, Уильям Тальбот ва Жозеф Нисефор Ньепс томонидан қилинган ихтиролар, биринчи ўзбек фотосуратчиси Худойберган Девонов фаолияти, замонавий етук фотожурналистлар - Анри Картье-Брессон, Георгий Пинхасов, Якоб Август Риис, Уильям Юджин Смит, Эванс Уолкер, Эдди Адамс, Стасси Персал ва бошқаларнинг фаолияти билан танишадилар, бугунги кунда матбуотда, телевидинида, кинопублицистикада, интернетда фотоиллюстрациялар салмоғи, уларни тайёрлаш ва чоп этиш жараёни, фотожурналистика жанрлари хусусиятлари ва сураткашлик техникаси маҳорат сирларини ўргатиш ҳамда уларни амалда татбиқ этиш кўникмасини ҳосил қилиш.			
<b>Фанни вазифаси</b> – ривожланган хорижий ва МДХ мамлакатларида фотожурналистика ривожланишининг умумий тамойиллари ҳақида билим бериш;			
<ul style="list-style-type: none"> <li>• талабаларда муваққил хорижий мамлакатлар фотожурналистикаси ва ОАВ тахририятида фотожурналист фаолиятига эркин баҳо бериш ва бу борада етарли кўникмалар ҳосил қилиш;</li> <li>• фотожурналистиканинг спецификаси ва ривожланган мамлакатлар фотожурналистикасининг тараққиёт тенденциялари ҳақида маълумот бериш;</li> <li>• фотожурналистикада муайян бир мамлакат, миллатнинг миллий дунёқараши, маданиятининг намоён бўлиш шакллари ва уларнинг соҳа тараққиётига таъсири хусусида</li> </ul>			

маълумот бериш.

“Фотожурналистика” ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида талаба:

фотожурналистиканинг пайдо бўлиши; фотожурналистиканинг ривожланиш қонуниятлари; фотожурналистика соҳасида қўлланилаётган рақамли техника; суратга олиш технологияси тўғрисида **тасаввурга эга бўлиши**

- замонавий фотожурналистиканинг муаммолари ҳақида билиши ва улардан фойдалана олиши; фотожурналистика жанрларига тавсиф бера олиш, фотожурналистика соҳасидаги тамойилларни **билиши**.

- талаба халқаро журналистика майдонида фаоллик кўрсатаётган фотожурналистлар фаолиятини таҳлил қила олиш; фотожурналистика соҳасидаги тамойилларни таҳлил қила билиш; фотожурналист фаолиятига қўйиладиган талабларни таҳлил қила олиш **қўникмаларига эга бўлиши керак**.

- талаба фотожурналистика ва мафкура муносабатларини таҳлил қила олиш; фотожурналистика фаолиятини ташкил қилиш **малакаларига эга бўлиши керак**.

### Курснинг тематик таркиби ва мазмуни

Т/р	Мавзу	Маъруза	Амалий (семинар)	Мустақил иш
<b>2-семестр</b>				
1.	Кириш. Фотожурналистиканинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари	2	2	2
2.	Фотожурналистиканинг технологик ва ташкилий асослари	2	2	2
3.	Рақамли фотожурналистика	2	2	2
<b>Жорий назорат (ЖН)</b>				
4.	Фотожурналистика жанрлари	2	2	4
5.	Ихтисослашган журналистика турларида фотосуратдан фойдаланиш		4	4
6.	Интернет журналистикасида фотоматериалларнинг ўрни	2	2	4
<b>Оралиқ назорат (ОН)</b>				
7.	Зиддиятли вазиятларда фотожурналист фаолияти	2	2	2
8.	Бильд-муҳаррир: лавозим, касбий меъёрлар ва талаблар	2	2	4
9.	Медиа ҳуқуқ, бошқарув ва этика: фотожурналист фаолиятига қўйиладиган касбий талаблар	2	2	2
<b>Якуний назорат (ЯН)</b>				
<b>2-семестр бўйича жами</b>		<b>18</b>	<b>20</b>	<b>26</b>

**Таълим бериш ва ўқитиш услуби:** Маъруза, амалий машғулотлар, мустақил ишлар (айлана стол, кейс стади, мастер-класслар)

**Мустақил ишлар:** Ўқув лойиҳалар, гуруҳли тақдимот, рефератлар, кейслар, докладлар, кроссвордлар, постер, проспект, эссе ва х.з.

Маслаҳатлар ва топшириқ-ларни топшириш вақти	Кунлар	Вақти	Ауд.
1.			

2.			
3.			
<b>Билимларни баҳолаш усуллари, мезонлари ва тартиби:</b>			
<b>ЖН ва ОН нинг баллари ишчи дастурда берилади</b>			
<b>Баҳолаш усуллари</b>	Тестлар, ёзма ишлар, оғзаки сўров, презентациялар ва ҳ.з.		
<b>Фан бўйича талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш</b>	<b>Назорат шакллари</b>		
	оғзаки савол-жавоб, ёзма иш, тест синовлар, тақдимотлар..		
	<b>Фан бўйича талабалар билимини баҳолаш мезони</b>		
		<b>Балл</b>	<b>Талабанинг билим даражаси</b>
	86 - 100 балл	<ul style="list-style-type: none"> <li>– талаба машғулотларга доимо тайёрлаган, жуда фаол, дастурий материалларни яхши билади, хулоса ва қарорлар қабул қилаолади, ижодий фикрлайди, билимларни амалиётда қўллай олади;</li> <li>– талаба ижодий масалаларни ҳал қилиш мобайнида тегишли билимларни қўллаш доирасини мақсадга мувофиқ танлаб, ечимни топишга хизмат қилувчи янги усул ва йўналишларни топа олади, ўқув материални моҳиятини тушунади;</li> <li>– талаба тақдим этилган ўқув масалаларини ечиш йўллари излайди, да турий материалларни билади ва айтиб бераолад ҳамда тасаввурга эга бўлади.</li> </ul>	
	71 - 85 балл	<ul style="list-style-type: none"> <li>– талаба ўрганилаётган ҳодисалар алоқадорлигини билиш ҳамда объектни тавсифлай олиш кўникмасига эга бўлиши билан биргаликда, қўйилган масалаларни сабаб-оқибат алоқадорлигини очиб берган ҳолда еча олади, ўрганилаётган назарий билимларни амалиёт билан боғлай олади ва мустақил мушоҳада қилаолади;</li> <li>– билим ва кўникмалар мазмунини тадбиқ қила олиш маҳорати, бир типдаги масалаларни еча олиш, ёзиб олиш ва эслаб қолиш фаолиятини амалга оширади, билимларни амалиётда қўллай олади;</li> <li>– талаба машғулотларга тайёрланган, дастурий материалларни билади, моҳиятини тушунади ва тасаввурга эга.</li> </ul>	
	55 - 70 Балл	<ul style="list-style-type: none"> <li>– талабанинг эшитганлари, уларга берилган намуналар, тақдим этилган алгоритм ва кўрсатмалар асосида топшириқларни бажара</li> </ul>	

		олади, моҳиятини тушунади; – талаба қатор белгилар асосида маълум объектни фарқлаш билан биргаликда унга таъриф бера олади ва ўқув материални тушунтириб бера олади ва тасаввурга эга.
	0 - 54 балл	– талаба тасаввурга эга эмас; – талаба дастурий материалларни билмайди.

**Фанга доир видео маърузалар, видео роликлар:**

**Глоссарийлар:**

**Ахборот ресурс база:**

1. Dennis P.Curtin. The Textbook of Dijital photography. <http://www.shortcourses.com>. Inc. 2007
  2. Baradell, Scott. Ethics, photojournalism,technology and What’s Right and WRong today? Black Star Publishing Co., Inc. 2012
  3. Kobre, Kenneth. Photojournalism, Sixth Edition: The Professionals’ Approach. Focal Press, 2008
  4. Gee, Catherine. “The Demise of Photojournalism.” Cardiff University School of Journalism. Media and Cultural Studies. December 15, 2006.
- Ultimate field guide to photography. National Geographic Photography Basics.

## АСОСИЙ ҚИСМ

### Фаннинг назарий машғулоти мазмуни

#### 1-модул. Кириш. Фотожурналистиканинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари

“Фотография” тушунчаси. “Фотожурналистика” атамасининг пайдо бўлиши. Фотожурналистика тараққиётининг жадаллашувига туртки бўлган муҳим омиллар, мазкур омилларнинг халқаро журналистика аҳамиятини очиб беришдаги роли.

Фотографиянинг пайдо бўлиши ва унинг тараққиёти. Фотографиянинг Жозеф Нисефор Нэпс томонидан назарий тадқиқ қилиниши. Фототехника ихтироларининг фотожурналистика тараққиётидаги ўрни ва аҳамияти. Луи Жак Манде Дагер ихтироси моҳияти. Инглиз ихтирочиси Фокс Тальбот ихтироси мазмуни. Колотипия фотографиянинг асоси сифатида. Дагерротипия-диапозитивга ёки слайдга асос бўлганлиги. Фотографиянинг биринчи номи. Фотографиянинг туғилган куни, деб қабул қилинган сана. 1839-йил кашфиётчи олим Жон Гертел томонидан фотография сўзига алмаштирилиши. Дагерротипия макроколлоид жараёнига йўлни бўшатиб бериши. Бу усулнинг афзалликлари. Фотографиянинг илмий жараёнда қўлланилиши. XIX аср фотография ва полиграфия ривожланиши асри “Клише”нинг пайдо бўлиши. Тасвирий журналистиканинг пайдо бўлиши. Фотография ҳақидаги Жон Риснинг биринчи китоби чоп этилиши (1890). Фотожурналистиканинг пайдо бўлиш сабаблари.

Фотографиянинг Ўзбекистонда пайдо бўлиши. Фотожурналистиканинг биринчи асосчилари. Худойберган Девоннинг фотожурналистиканинг ривожига қўшган қиссаси. Республика фотосанъатининг Иккинчи жаҳон урушидан кейинги тараққиёт босқичлари (1946-1991). МДХ давлатларида, хорижий мамлакатларда фотография, фотопублицистика, фотосанъат ривожиди. В.Песков, Д.Бальтерманс, М.Пенсон, В.Картье-Брессон, А.Жумаев асарлари.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда фотожурналистика, фотопублицистика, фотосанъат тараққиёти.

#### 2-модул. Фотожурналистиканинг технологик ва ташкилий асослари

Фотокамера ва унинг турлари. Ягона линзали фотокамералар. Замонавий DSLR камералари. Диапазон кидирувчи камералар. Компакт (ихчам) тизимли камералар. Смартфон камералар.

Рақамли фотокамера ва унинг таркибий қисмлари. Камера сенсори. Суратга олиш жараёни босқичлари. Экспозиция, суратга олиш, автофокус, drive режими тушунчаларининг тавсифи. Фотосуратларни олишда чироклар ва тиргаклардан фойдаланиш.

Видео фотография тушунчаси. Видео фотография маҳсулотларини устида ишлаш жараёнлари.

#### 3-модул. Рақамли фотожурналистика

Рақамли фотожурналистика тавсифи. Рақамли фототехника: турлари ва русумлари. Объективлар. Созлаш ва режим турлари: фокус, экспозамер режими, оқ-қора ва рангли баланс, экспозиция коррекцияси. Фокус ва уни турли планларда қўллаш. Рақамли фотосурат форматлари: JPEG, TIFF, RAW, рақамли сурат композицияси. Нур ва соя ҳамоҳанглиги. Эрталабки, кундузги, кечки ва тунги съёмка. Ракурс. объектив турлари ва қатламлари. Умумий расм олиш қоидалари. Хужжатли фото олиш қоидалари. Портрет фотосуратга қўйиладиган талаблар. Фотоколлажнинг асоси.

Босма ва интернет ОАВда рақамли фототехникадан фойдаланиш имкониятлари ва истиқболлари.

Фотосуратни монтаж қилиш жараёнлари. Расмни узатиш технологиялари. интернет тармоғи орқали алоқа, камерадан узатиш, уяли телефон орқали узатиш.



#### **4-модул. Фотожурналистика жанрлари**

Фотожурналистика жанрлари: фотохабар, фоторепортаж, фотофельетон, фотопортрет жанрлари (якка ва гуруҳ портретлари), пейзаж (табиат тасвири), натюрморт, фотоинтервью, фотолавҳа, фотоочерк. Жанр турларининг асосий белгилари, муштарак ва фарқли жиҳатлари. Фотожурналистикада жанрлар синтези.

#### **5-модул. Ихтисослашган журналистика турларида фотосуратдан фойдаланиш**

Спорт журналистикасида фотонинг ўрни. Спортга ихтисослашган фотожурналист маҳорати. Спорт мусобақаларини ёритишда рақамли фототехника имкониятларидан самарали фойдаланиш: экспрессия, динамизм, ҳиссиётлар. Болалар журналистикасида фотосуратнинг аҳамияти. Болалар суратларидан фойдаланиш талаблари. Экологик журналистикада фотосурат. Тирик табиат кўйнида. Оқ-қора ва рангли тасвир. Фотослайд-шоу. Катта масштаблар фотографияси. Таҳлилий журналистикада фотосуратлардан фойдаланиш.

#### **6-модул. Интернет журналистикасида фотоматериалларнинг ўрни**

Интернетда фотонинг ўрни. Интернет сайтларига фотосуратларни жойлаштириш талаблари. Сайт дизайнига қўйиладиган талаблар ва гиперматнга суратни жойлаштириш қоидалари. Фотожурналистнинг интернет манбалар билан ишлаш тамойиллари.

#### **7-модул. Зиддиятли вазиятларда фотожурналист фаолияти**

Зиддиятли ва фавқулодда вазиятларда фотожурналистика жанрларидан фойдаланиш. Ҳарбий ҳаракатлар фотоси: маҳорат мезонлари. Объектда террорчилик ҳаракатлар: психологик жиҳатлар. Элементлар фильтри.

#### **8-модул. Бильд-муҳаррир: лавозим, касбий меъёрлар ва талаблар**

Бильд-муҳаррир лавозимида қўйиладиган талаблар. Деталларнинг аҳамияти. Бош такризчи-ўқувчи. Танлаш маҳорати. Сурат ва тасвирдаги образни топиш. Суратдаги кайфият. Сурат ҳажмлари. Босма ОАВда суратни жойлаштириш қоидалари. Биринчи бет сурати. Газета дизайнида фотосуратнинг ўрни ва унга қўйиладиган талаблар.

#### **9-модул. Медиа ҳуқуқ, бошқарув ва этика: фотожурналист фаолиятига қўйиладиган касбий талаблар**

Фотожурналист ижодининг ўзига хос хусусиятлари. Фотожурналист касбига қўйиладиган ахлоқий талаблар: ортиқча аралашув, нотўғри ахборотни тарқатиш, плагиат, ноҳолис ёритиш. Хорижий мамлакатлар фотожурналистлар миллий ассоциациясининг ахлоқий кодекслари.

#### **Амалий машғулотлар**

#### **Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Амалий машғулотларини ўтказишда куйидаги дидактик тамойилларга амал қилинади: амалий машғулотларининг мақсадини аниқ белгилаб олиш; ўқитувчининг инновацион педагогик фаолияти бўйича билимларни чуқурлаштириш имкониятларига талабаларда қизиқиш уйғотиш; талабада натижани мустақил равишда қўлга киритиш имкониятини таъминлаш; талабани назарий-методик жиҳатдан тайёрлаш; амалий машғулотлари нафақат аниқ мавзу бўйича билимларни яқунлаш, балки талабаларни тарбиялаш манбаи ҳамдир.

## **Амалий машғулотларнинг тахминий рўйхати**

1. Фотожурналистика эволюцияси ва тараққиётининг асосий босқичлари.
2. Ўзбекистон ва МДҲ мамлакатларида фотожурналистиканинг ривожланиш тарихи.
3. Фотожурналистиканинг технологик ва ташкилий асослари
4. Рақамли фототехника: келажак сари қадам.
5. Фотосуратга олиш технологияси.
6. Фотожурналистикада ахборот жанрларнинг қўлланилиши: фотохабар.
7. Ҳужжатли фотонинг ўзига хосликлари.
8. Фотоинтервью ва унинг асослари.
9. Фоторепортажнинг ўзига хос хусусиятлари.
10. Фотожурналистикада бадиий- публицистик жанрлар. Пейзаж. Натюрморт.
11. Бадиий фото. Портрет. Нур ва соя уйғунлиги.
12. Фотоколлаж, карикатура, комикслар ва уларнинг хусусиятлари.
13. Фотошоп асослари.
14. Фоторепортажнинг ўзига хос хусусиятлари.
15. Ихтисослашган журналистика турларида фотосуратдан фойдаланиш.
16. Экологик вазиятларда фотонинг аҳамияти.
17. Зиддиятли ва фавқулудда вазиятларни фотосуратга олишнинг аҳамияти.
18. Спорт журналистикасида фото.
19. Болалар журналистикасида фотосуратнинг аҳамияти.
20. Имконияти чекланган инсонларнинг суратлари ва уларни ОАВда ёритиш.
21. Интернет журналистикасида фотоматериалларнинг ўрни.
22. Расмий давлат ва нодавлат органлари сайтларида фотонинг қўлланилиши.
23. Блоглар ва ижтимоий тармоқларда фотосурат.
24. Бильд-муҳаррир вазифалари.
25. медиа ҳуқуқ, бошқарув ва этика.
26. Фотожурналист фаолиятига қўйиладиган касбий талаблар.

## **Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар**

Фан бўйича лаборатория ишлари намунавий ўқув режада кўзда тутилмаган.

## **Курс ишини ташкил этиш**

Фан бўйича курс ишлари ўқув режада кўзда тутилмаган.

## Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Талаба “Фотожурналистика” фанидан мустақил таълимни ташкил этишда муайян фаннинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиш тавсия этилади ва жорий назорат сифатида баҳоланади:

**1) мавзулар бўйича конспект (реферат, тақдимот) тайёрлаш.** Назарий материални пухта ўзлаштиришга ёрдам берувчи бундай усул ўқув материалига диққатни кўпроқ жалб этишга ёрдам беради. Талаба конспекти турли назорат ишларига тайёргарлик ишларини осонлаштиради, вақтни тежайди;

**2) ўқитиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимлари билан ишлаш.** Талабалар маъруза ва амалий машғулотлар давомида олган билимларини ўзлаштиришлари, турли назорат ишларига тайёргарлик кўришлари учун тавсия этилган электрон манбалар, инновацион дарс лойиҳаси намуналари, ўз-ўзини назорат учун тест топшириқлари в.б;

**3) фан бўйича қўшимча адабиётлар билан ишлаш.** Мустақил ўрганиш учун берилган мавзулар бўйича талабалар тавсия этилган асосий адабиётлардан ташқари қўшимча ўқув, илмий адабиётлардан фойдаланадилар. Бунда рус ва хорижий тиллардаги адабиётлардан фойдаланиш рағбатлантирилади;

**4) ИНТЕРНЕТ тармоғидан фойдаланиш.** Фан мавзуларини ўзлаштириш, курс иши, битирув малакавий ишларини ёзишда мавзу бўйича ИНТЕРНЕТ манбаларини топиш, улар билан ишлаш назорат турларининг барчасида қўшимча рейтинг баллари билан рағбатлантирилади;

5) мавзуга оид масалалар, кейс-стадилар ва ўқув лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва иштирок этиш;

6) амалиёт турларига асосан материал йиғиш, амалиётдаги мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш, ҳисоботлар тайёрлаш;

7) илмий семинар ва анжуманларга тезис ва мақолалар тайёрлаш ва иштирок этиш;

8) мавжуд тақдимот ишларини такомиллаштириш, масофавий (дистанцион) таълим асосида машғулотларни ташкил этиш бўйича методик кўрсатмалар тайёрлаш ва ҳ.к.

Уйга берилган вазифаларни бажариш, янги билимларни мустақил ўрганиш, керакли маълумотларни излаш ва уларни топиш йўлларини аниқлаш, Интернет тармоқларидан фойдаланиб маълумотлар тўплаш ва илмий изланишлар олиб бориш, илмий тўғарак доирасида ёки мустақил равишда илмий манбалардан фойдаланиб илмий мақола (тезис) ва маърузалар тайёрлаш кабилар талабаларнинг дарсда олган билимларини чуқурлаштиради, уларнинг мустақил фикрлаш ва ижодий қобилиятини ривожлантиради. Уй вазифаларини текшириш ва баҳолаш амалий машғулот олиб борувчи ўқитувчи томонидан, конспектларни ва мавзунини ўзлаштириш даражасини текшириш ва баҳолаш эса маъруза дарсларини олиб борувчи ўқитувчи томонидан ҳар дарсда амалга оширилади.

Мустақил ишни ташкил этиш бўйича услубий кўрсатма ва тавсиялар, кейс-стади, вазиятли масалалар тўплами ишлаб чиқилади. Унда талабаларга асосий маъруза мавзулари бўйича амалий топшириқ, кейс-стадилар ечиш услуби ва мустақил ишлаш учун вазифалар белгиланади.

### **Тавсия этиладиган мустақил таълим мавзулари**

1. Фотожурналистикада ахборот жанрларнинг қўлланилиши: фотохабар.
2. Хужжатли фотонинг ўзига хосликлари
3. Фоторепортажнинг ўзига хос хусусиятлари
4. Фотожурналистикада бадиий- публицистик жанрлар. Пейзаж. Натюрморт.
5. Бадиий фото. Портрет. Нур ва соя уйғунлиги.
6. Фотоколлаж, карикатура, комикслар ва уларнинг хусусиятлари.
7. Фоторепортажнинг ўзига хос хусусиятлари
8. Ихтисослашган журналистика турларида фотосуратдан фойдаланиш
9. Экологик вазиятларда фотонинг аҳамияти
10. Фавқулудда ва зиддиятли вазиятларда суратга олиш жараёни
11. National Geographic журнали изидан
12. Машҳур фотожурналистлар фаолиятини ўрганиш: Йозеф Судек,
13. Спорт журналистикасида фото.
14. Болалар журналистикасида фотосуратнинг аҳамияти
15. Имконияти чекланган инсонларнинг суратлари. ОАВда ёритиш
16. Интернет журналистикасида фотоматериалларнинг ўрни
17. Расмий давлат ва нодавлат органлари сайтларида фотонинг қўлланилиши
18. Блоглар ва ижтимоий тармоқларда фотосурат.
19. Мустақиллик йилларида ўзбек фотожурналистикасининг ривожини
20. Фотожурналистика ёшлар нигоҳида

Мазкур фанни ўқитиш жараёнида:

- “Фотожурналистика” фанига тегишли маъруза дарсларида ўқув электрон мажмуадан;
- амалий машғулотларда таълим технологиялардан;
- фотожурналистикага оид дарс машғулотларида таълимнинг бошқа методларидан фойдаланиш назарда тутилган.

### **Дастурнинг ахборот-услубий таъминоти**

Мазкур фанни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий усуллари, педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган. Жумладан:

Фотожурналистика эволюцияси ва таракқиётининг асосий босқичлари, Ўзбекистон ва МДХ мамлакатларида фотожурналистиканинг ривожланиш тарихига тегишли маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологияларидан;

Рақамли фототехника: келажак сари қадам, фотосуратга олиш технологияси, фотожурналистикада ахборот жанрларнинг қўлланилиши: фотохабар, хужжатли фотонинг ўзига хосликлари, фотоинтервью ва унинг асосларига оид мавзуларда ўтказиладиган амалий машғулотларда ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш педагогик технологияларидан;

Фотоинтервью ва унинг асослари, фоторепортажнинг ўзига хос хусусиятлари, фотожурналистикада бадиий- публицистик жанрлар. Пейзаж. Натюрморт. Бадиий фото. Портрет. Нур ва соя уйғунлиги. Фотоколлаж, карикатура, комикслар ва уларнинг хусусиятлари. Фотошоп асослари. Фоторепортажнинг ўзига хос хусусиятлари мавзуларида ўтказиладиган машғулотларда кичик гуруҳлар мусобақалари, гуруҳли фикрлаш педагогик технологияларини қўллаш назарда тутилади.

## Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

### Асосий адабиётлар:

1. Keene Martin. Practical Photojournalism. A Professional Guide. UK. Ammonite Press, AE Publication Ltd. 2015.
2. Dennis P.Curtin. The Textbook of Dijital photography. <http://www.shortcourses.com>. Inc. 2007
3. Baradell, Scott. Ethics, photojournalism, technology and What's Right and WRong today? Black Star Publishing Co., Inc. 2012

### Қўшимча адабиётлар:

1. К истории фотографии в Узбекистане. <http://blog.leicacamera.ru>
2. Ефимов М.В. и др. Технические средства переработки текста и иллюстраций. -М.: «Мир книги», 1994.
3. Қосимова Н.С. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ННТ ва ОАВ роли. -Т.: “Журналистларни қайта тайёрлаш маркази”, 2015.
4. Нери, Грация. Лекции по фотожурналистике // <http://www.photographer.ru>
5. Қосимова Н.С. Ахборот хизматлари учун амалий қўлланма. Жамоатчилик билан самарали мулоқот. -Т.: БМТТД. 2013.
6. Қосимова Н. , Тошпўлатова Н., Ўзбекистон ОАВда болалар мавзусини ёритишнинг назарий ва амалий асослари. -Т.: ЮНИСЕФ, 2014.
7. Коулман А. Документальная фотография, фотожурналистика и пресс-фотография сегодня. Вопросы и ответы. <http://www.photographer.ru>
8. Kobre, Kenneth. Photojournalism, Sixth Edition: The Professionals' Approach. Focal Press, 2008
9. Gee, Catherine. “The Demise of Photojournalism.” Cardiff University School of Journalism. Media and Cultural Studies. December 15, 2006.
10. Ultimate field guide to photography. National Geographic Photography Basics. USA.2012

### Интернет сайтлари:

1. <http://www.webmascon.com>
2. [www.shortcourses.com](http://www.shortcourses.com)
3. [www.photographer.com](http://www.photographer.com)





